

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиши академияси магистранти
Бекжанов Азиз

Аннотация: Мазкур мақолада прокуратура органлари фаолиятини ташкил этилиш принципларига доир масалалар баён этилган. Бундан ташқари мақолада прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий, яъни бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик, ошкоралик принципларига доир масалалар ва бу борадаги олимлар фикирлари ўрганилган.

Калит сўзлари: Прокуратура органлари, фаолият, ташкил этилиш, принциплар, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик, ошкоралик, қонун устуворлиги.

Бизга маълумки, прокуратура органлари фаолияти бугунги кунда бутун мамлакат бўйлаб қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда ифодаланувчи, давлатнинг алоҳида ваколатларга эга бўлган маҳсус органининг функционал фаолият тури ҳисобланади.

Илмий-назарий адабиётларда прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда асосан “ишни ташкил этиш” ва “бошқарув” масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, ушбу тушунчалар “прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш” тушунчасига ҳамоҳанг қўлланилиб келинади.

“Прокурор” сўзи асли лотинча “Про-суро” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “ғамхўрлик қилмоқ”, “асраб-авайламоқ, таъминламоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ” деган маъноларни билдиради³⁵.

Ҳуқуқшунос олим Ф.М.Кобзаревнинг фикрича, прокуратура органларида ишларни ташкил этиш прокуратура органлари олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича прокуратура тизимининг иш жараёнини мақбуллаштиришга йўналтирилган ўзаро боғлиқ комплексҳаракатларини ифода этади.

Прокуратура органларида бошқарувнинг мазмуни юқори турувчи прокуратура органлари ва прокурорларнинг қуий турувчи (бўйсунувчи) прокурор ходимларга қонун ҳужжатлари билан уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажаришга эришиш мақсадида иродавий таъсир кўрсатишида намоён бўлади”³⁶.

Ф.Х.Рахимовнинг фикрича, прокуратура органларида бошқарув – қуий турувчи прокуратуралар ва ходимлар олдига қўйилган вазифаларни бажаришдан

³⁵ Қаранг: Дворецкий И.Х. Латинско-русский словарь. - М. ; 1998, 621 – б.

³⁶ Настольная книга прокурора. В 2 ч. Часть 1 : практ. Пособие / под общ. ред. О.С.Капинус, С.Г.Кехлерова. – 5-е изд. перераб. и доп. – М. : Издательства Юрайт, 2019. – 481 с. – Серия : Профессиональная практика. – С. 45.

ташкил топган фаолият устидан, кўп қиррали, асосли ва бевосита йўналтирилган тадбирлардан иборат жараёндир”³⁷.

Прокуратурда ишни ташкил қилиш ва бошқарув масаласида юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларини қувватлаган ҳолда, “**прокуратура органларида ишни ташкил этиш**” тушунчаси орқали белгиланган аниқ вазифаларнинг ижросини ташкил этиш билан боғлиқ узвий амаллар кетма-кетлиги тушунилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бошқарув эса, ушбу кетма-кетлик ва узвийликни таъминлашга қаратилган иродавий таъсиридир.

Таъкидлаш лозимки, ушбу тушунчалар нисбатан мустақил бўлса-да, улар бирбири билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ, **бизнингча**, бу ўринда қайд этилган ҳар иккала тушунчани умумий бирлаштирадиган тушунча сифатида “**прокуратура фаолиятини ташкил этиш**” тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, прокуратура фаолиятини ташкил этиш тўғрисида гап кетганда, мазкур давлат органи фаолиятини йўлга қўйиш заруратини англаш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва фаолиятнинг устувор йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли тамойиллар асосида таркибий тузилмаларни шакллантириш, уларнингишини режалаштириш ва ташкил этиш, бошқарувни амалга ошириш, натижаларни баҳолаш каби умумий ҳаракатлар мажмуи англашилади.

Кўриниб турибдики, “**прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш**” тушунчаси “**прокуратура органларида ишни ташкил этиш**” тушунчасидан кўра кенроқ тушунча ҳисобланади. Шунингдек, у “**прокуратура органларида бошқарув**”ни ҳам қамраб олади.

Маълумки, прокуратура органлари ва улар фаолиятини ташкил этиш “**Прокуратура тўғрисида**”ги Қонунда белгиланган устувор раҳбарий меъёрлар – бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик тамойилларига асосланади³⁸.

Прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимида қўйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Бosh прокурорга бўйсуниши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Юқори турувчи прокурор қўйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга ёхуд унинг ҳар қандай, шу жумладан, процессуал қарорини ўзgartириш ёки бекор қилишга ҳақли, шунингдек, у ўз бўйсунувидаги барча прокурорларнинг ишлари тўғри ташкил этилиши учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

³⁷ Қаранг: Прокуратура органларида бошқарув ва ишларни ташкил этиш масалалари. Е.В. Коленко таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси Академияси, “Хукуқ” газетаси нашриёти. – Б 4.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 746-XII-сон 09.12.1992 // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 141-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 9-сон, 241-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда.

Шу ўринда, қонунчилиқда “бирлик” тамойилининг аниқ ҳуқуқий тушунчаси мавжуд әмаслигини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Бу борада, ҳуқуқшунос олим Б.Пўлатовнинг фикрига кўра, прокуратура фаолиятининг бирлик тамойили, аввало, бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг бирлиги билан белгиланади. Қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги юқори турувчи ва қўйи прокурорларнинг ваколатлари бир хил³⁹.

З.Ибрагимов ҳам ушбу фикрни қувватлаб, “прокуратура органларининг иш фаолиятидаги бирлик тамойили уларнинг юқоридан пастгача бир хил тартиб-қоидалар асосида ягона мақсадларни кўзда тутган ҳолда фаолият қўрсатишини, ягона вазифаларни амалга оширишни ҳамда айнан бир хилдаги қонунларга риоя қилишини намоён этади”⁴⁰, деб таъкидлаган.

Ҳуқуқшунос олим О.Мадалиев эса, “прокурор назоратидаги бирлик тамойили – прокуратура тизимиға киравчи барча органлар фаолиятини ягона шакл, мақсад ва умумий вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда акс эттирилиши ҳамда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига нисбатан бир хилда прокурор таъсир чораларини, прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда ифодаланиши билан ажralиб туради” деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, у бирлик тамойили деганда, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорларнинг ягона тизими тушунилишини қўрсатган⁴¹.

Фикримизча, ҳақиқатдан ҳам илмий-назарий жиҳатдан ушбу тамойил прокуратура мақсади ва фаолиятининг бир хиллигини англатади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорларнинг ягона тизими бирликни ифодаламайди, балки, бу кўпроқ прокуратуранинг марказлашганлигини қўрсатувчи таъриф десак тўғри бўлади. Чунки, бу ерда гап тизим ва иерархия ҳақида кетмоқда.

Шундан келиб келиб чиқиб, юқоридаги назарий мулоҳазалар асосида “бирлик” тамойилига бошқа тамойиллар каби қонунда аниқ таъриф берилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Прокуратура фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас хусусиятларидан яна бири бу прокурорларнинг ўз фаолиятини қонун доирасида мустақил амалга оширишлари ҳисобланадин

Конституция асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинган давлат ҳокимияти тизимида прокуратура ўзи функционал вазифасининг моҳиятига кўра ушбу ҳокимиятларнинг бирортасига мансуб эмас ва ҳокимият

³⁹ Пўлатов Б.Х. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати”. – Т. 2006. – Б. 42.

⁴⁰ Ибрагимов З.С. “Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси”. – Т. 2011. – Б. 174.

⁴¹ Мадалиев О.М. “Prokuror nazorati”. – Т. 2012. – Б. 85.

бирликларининг “ўзаро тиийб туриш механизми”да “қонуннинг ҳимоячи”си сифатида намоён бўлади.

Шундай экан, унинг ушбу мураккаб вазифани самарали бажара олиши учун прокуратура нафақат давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан мустақил, балки ҳар қандай бошқа субъектларнинг салбий таъсиридан ҳам ҳимояланган бўлиши лозим.

Чунки, прокуратуранинг давлат ҳокимиятини бирон-бир тармоғига, шунингдек, маълум бир груп, партия, ташкилот ёки алоҳида шахсларга ҳуқуқий пасайиши латент қонун бузилишлари, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ошишига олиб келади. Бу эса, ижтимоий барқарорликка путур етказади.

Шундан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизнинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга **оширишлари** мустаҳкамлаб қўйилган⁴².

Ушбу конституциявий норма “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра прокуратура органларининг фаолиятига аралашиш тақиқланади⁴³.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат⁴⁴: Бирлик; Марказлашганлик; Қонунийлик; Мустақиллик; Ошкоралик.

Бирлик принципи - деганда Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорлар ягона тизимини ташкил этиши тушунилади. Соддароқ қилиб айтганда прокуратура органлари фаолиятининг бирлиги, ҳамма прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият принципларининг бирлигига намоён бўлади, прокуратура органларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги ягона марказий маҳкамама бошқаради.

Прокуратуранинг бирлик принципи бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг ҳам бирлиги билан белгиланади, яъни давлат номидан қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини қарор топтиришдир. Қонун бузилишини

⁴² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2023 йил.

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 257-II-сон Қонуни, 2001 йил 29 август. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

аниқлаш ва бартараф этишда юқори турувчи ва қуи турувчи прокурорларнинг ваколатлари бир хил. Ҳар бир прокурор ягона прокуратура органининг вакили сифатида шу ваколат доирасида ҳаракат қилади ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни түлиқ амалга оширади ва қонун бузилишининг олдини олиш ва профилактика чораларини кўради. Шунинг учун шу ягона тизимга кирмайдиган прокуратура органларини ташкил этиш ва улар фаолиятига йўл қўйиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 146-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа маҳсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Ҳар бир прокурор белгиланган ҳудуд ва доирада фаолият кўрсатар экан, ягона тизимнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси номидан фаолият юритади. Ҳар бир прокурор ўзининг компетенцияси доирасида уларни амалга оширишнинг ягона ваколати ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланади. Шундай қилиб, барча прокурорлар, туман прокурорларидан тортиб, то Бosh прокуроргача ўзининг ваколати таъсири доирасида давлат органларининг қонун бузулишига олиб келган актларини аниқлаш ва таъсир чорасини кўриши лозим хисобланади. Бунда улар ягона ҳуқуқий воситалардан, яъни протест, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув хати ва қарор каби прокурор таъсири ҳужжатларига таянадилар.

Бу ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларга қонун билан белгиланган муддат ва тартибда муносабатда бўлиш барча органлар ва жисмоний шахслар учун мажбурий хисобланади.

Бундан ташқари бирлик принципи бу юқори турувчи принцип томонидан қуи турувчи принципга ўзининг мажбуриятларини бажарилишини топшириши, қуи турувчи принципларнинг мажбуриятини юқори турувчи принциплар томонидан бажарилиши, қонунда белгиланганидан ташқари, унинг қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилинишини билдиради.

Марказлашганлик принципи - бу қуи турувчи прокурорнинг юқори турувчи прокурорларга бўйсунишини ҳамда Бosh прокурорга бўйсуниши тушунилади. Бошқача қилиб айтсак, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади.

Қуи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорига бўйсуниши ҳамда ҳисобдолиги асосида фаолият кўрсатади.

Шаҳарлар, туманлар ва ихтисослаштирилган прокуратуранинг прокурорлари Баш прокурор томонидан тайинланади. Лавозимга белгилаш тартибига қарамасдан барча прокурорлар Баш прокурор томонидан лавозимидан четлаштирилади, улар унга бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар. Юқори турувчи прокурорлар қуий турувчи прокурорлар фаолиятини бошқарадилар ва назорат қиласидилар. Баш прокурор томонидан прокурор органлари системасини ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳужжатлари барча прокуратуралар ва уларнинг ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Прокуратура тизимида, бошқарув органлари тизимида вертикал ва горизантал бўйсунишга нисбатан, бўйсунишнинг фақат вертикал тизими жорий қилинган, яъни қуий турувчи прокурор, юқори турувчи прокурорга бўйсунади.

Ҳамма прокуратура органлари бир хил мақсад ва вазифаларни бажарадилар, назоратни амалга ошириш тартиби, тактикаси ва усули ҳам бир хилдир.

Прокуратура органлари тизимида раҳбарлик принципи ҳам прокурорлик фаолиятига оид барча масалалар фақат прокурор томонидан якка тартибда ҳал қилинишида ифодаланади. Юқори турувчи прокурорларнинг якка тартибдаги буйруқ, фармойишлари қуий турувчи прокурорлар учун мажбурийдир. Юқори турувчи прокурорлар қуий турувчи прокурорнинг қарорлари, фармойишларини якка тартибда бекор қилиши мумкин.

Прокуратура органларининг юқори тизимларида якка тартибдаги раҳбарликни, прокурорлик фаолиятнинг алоҳида муҳим масалалари бўйича қабул қилинадиган қарорларини коллегиал тартибда муҳокама қилиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш ҳам жорий қилинган. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори (раис), унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, прокуратура органларининг бошқа ходимларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади (19-модда).

Марказлашганлик принципини қуий турувчи прокурорлар томонидан юқори турувчи прокурорларгав ҳисобот берилишида ҳам кўриш мумкин.

Қонунийлик принципи - бу ҳуқуқ субъектлари фаолияти учун умумхуқуқий бошланғич асос ҳисобланади. Бу принципга амал қилиш ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шарти ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мазкур принцип қонуний жиҳатдан расмийлаштириб қўйилган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”⁴⁵.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2023.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Прокуратура органларида бу асосий тамойиллардан бири бўлиб, унинг фаолиятидаги қонунийликни таъминлашга қаратилгандир. Бу унинг асосий мақсади, қонунийликнинг устуворлиги, бир хил ва аниқ ижро қилинишини англатади.

Қонунийлик ўзининг ичига қуйидаги қатор имкониятларни олади:

мамлакатда ривожланган қонунчилик тизимининг бошқариладиган хуқуқий муносабатларига мос бўлишини;

тегишли қонунларга риоя этишиликни таъминловчи давлат-хуқуқий инфратузилмалар;

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунлардан хабардор бўлиши;

хуқуқбузарлик, уларнинг вужудга келиш сабаб ва шароитларини ўз вақтида бартараф этиш.

Қонунийлик принципи бу унинг талабларини прокуратура органларининг ўзида амал қилишиликни англатади. Аниқроқ қилиб айтганда, қонунийлик принципига биноан, прокурорлар давлатда қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши ўстидан назоратни амалга оширап эканлар, қонундан четга чиқишга, унинг бузилишига ва ўзбошимчаликка йўл қўймасликлари даркор. Прокурорларнинг ҳар бир хуқуқий ҳужжати, уларнинг процессуал ҳаракатлари қонунга асосланиши, ундан келиб чиқиши ва қонунда белгиланган тартибда ва шаклда бажарилиши лозим. Қонунийлик прокурорлар томонидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар ҳаракатини баҳолашнинг асосий мезони бўлиши зарур.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъий назар, қонунийликни бузиш хисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади⁴⁶.

Мустақиллик принципи - Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашиб таъқиқланади.

Прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилинишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг руҳсатисиз текширишлар ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади (интизомий, маъмурий, жиноий ҳамда суд тартиби асосида қўлланиладиган бошқа чоралар).

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 11-модда

Шунинг учун ҳам, прокурордан қонун талабларини ҳимоя қилишда юқори қатъиятлилик, муросасиз муносабатда бўлиш, қонун бузилишига ўз вақтида кескин таъсир қилиш талаб қилинади. Прокуратура органлари ҳар қандай қонун бузилишини ким томонидан бузилишидан қатъий назар, аниқлаш ва ўз вақтида бартараф қилиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўрадилар. Бу эса прокурорлик фаолиятининг барча соҳаларида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган ваколатлар орқали таъминланади. Прокурорлар нафақат қонунларнинг бир хилда бажарилишини, балки уни бир хилда тушунилишини ва талқин қилинишини таъминлашлари лозим. Бу қоидага риоя қилиниши қонун бузилишининг олдини олишга ва профилактика қилишга ёрдам беради. Амалиётда прокурорлар ва терговчилар фаолиятига аралashiш қуйидагича бўлиши мумкин:

мансадбор шахсларнинг аралашуви, жумладан, норматив- ҳуқуқий актлар қабул қилиш орқали;

оммавий ахборот воситаларининг аралашуви (ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни нашр қилишни буюртма қилиш шаклида);

қўрқитиш ёки жисмоний таъсир кўрсатиш (оила аъзоларини ўғирлаш, аноним ва тўғри қўрқитишлар, босқинчилик ва бошқалар).

Шу сабабли ҳам қонунчилигимизда прокурор ва терговчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикасида бевосита “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг ўзида айтилган

Россияда бу борада “Судялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари мансабдор шахсларни ҳимоялаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Прокуратура органларида прокурор ва терговчилар, уларнинг оила аъзолари, мумкинки, мустақиллигини, фаолиятнинг фақат қонун асосида олиб борилишини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манбаатини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини олиб боришда хавфсизлик хизмати ташкил этилган. Қонунда нафақат прокурорлик назоратини амалга оширишга йўл қўймасликни, балки прокуратура органлари ва тузилмаларининг ҳар қандай бошқа функционал фаолияти, жумладан, жиноятларни тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятига иштирок этишга аралashiш таъқиқланади.

Мустақиллик тамойилининг негизида ҳисобдорлик масаласи ҳам бор бўлиб, бу ҳуқуқий жамиятнинг ажралмас қонуниятидир. Бунда асосий масала ҳисобдорликнинг жамиятнинг ажралма билан боғлиқдир.

Агар ҳисобдорлик унга ваколат берган субъект олдида бўлса, бу нормал ҳолатҳисобдорлик унга ваколат берган субъект олдида бўлса, бу нормалалак э қаралсас унинг манбаатларини ўзида акс эттирувчи Олий Мажлис Сенати ва Президент институтлари ҳисобдорлик субъекти бўлиши табиий ҳолдирт

Жумладан, Бosh прокурор Давлат раҳбарига мунтазам равища қонунийликиилик унга ваколат берган субъект олдида бўлса, бу нормалала оғир жиноятлар ва фавқулодда ҳодисалар тўғрисида, ҳар олти ойда прокуратура органлари амалга оширган ишлар ҳақиданриятлар тақдим этади.

Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатига ҳисобот бериш тартиби тегишли ҳужжатлар билан белгиланади.

Тўртингидан, Бош прокурор қонунчилик ташаббусига эга бўлиб, мазкур ваколат прокуратура органларига қонунчилик жараёнида иштирок этишини таъминлайди. Бу ваколат мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида мустақил иштирок этиш имкониятини беради.

Мустақиллик тамойилига кўра, прокурорлар функционал қарорларни қабул қилишни ва ҳаракатларни фақат қонунийлик, ички ишонч, тўлиқлик, ҳар томонлама ва холислик талабларига мувофиқ амалга оширадилар.

Демак-ки, прокуратура барча давлат тузилмаларидан мустақил фаолият юритиши лозим. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳеч бири прокурорнинг назорат фаолиятига халақит бермаслиги керак, бу эса, ушбу фаолиятни амалга оширишда қонунларга қатъий риоя этилишини кафолатлашга имкон беради.

Шу ўринда, “мустақиллик” тамойилини фаолият доираси нуқтаи назаридан, **ташқи ва ички мустақилликка ҳам ажратиш мумкин.**

Бунда, **прокурорларнинг ички мустақиллиги** – ўз вазифаларида шаффофлик ва адолатлилик, иш фаолиятини баҳолаш, ишга қабул қилиша лавозимга кўтариш, ишдан бўшатиш ва иш ҳақи масалалари билан боғлиқ мустақилликни ўз ичига олади.

Ташқи мустақиллик эса, прокуратуранинг “уччала ҳокимият” тизимида кирувчи барча органлардан ва бошқа субъектлардан мустақил фаолият кўрсатишида намоён бўлади.

Прокуратура фаолиятида мустақиллик **тамойилига риоя қилиш прокурорнинг сиёсий мустақиллигини ҳам талаб қиласди**. Прокуратура фаолиятига сиёсий таъсир кўрсатиш эҳтимолини истисно қилишнокўр ходимлар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туришлари лозимлиги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида мустаҳкамланган. Шу ўринда, прокуратура органларининг ваколатлари ва мажбуриятлари фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланишини назарда тутган ҳолдан фаолиятни белгиловчи муҳим мезон – **“қонунийлик”** тамойили ҳам “прокурорнинг мустақиллиги”ни реал таъминланмасдан туриб амал қилиш имкони бўлмайди.

Хулоса қиласиган бўлсак, қонунга биноан, прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт.

Қонунларниир`https://lex.uz/docs/20596"` \h инг р иоя халақит берма
қандайарниир`maps://lex.uz/docs/20596"` \h инг р иоя халақит бермаслигил
хисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.